O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2002 йил, 24 август, шанба № 102 (1678). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 24 августа, 2002 год № 102 (1678). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Оқсаройда қабуллар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Фрэнксни қабул қилди.

Яқинда халқаро аксилтеррор операцияси бошланганига бир йил тўлади. Бу муддат ичида халқаро коалиция Афғонистонда катта муваффақиятларга эришди. Айни кунларда қўшни юртда давлатчиликни янгидан шакллантириш, халқ хўжалигини тиклаш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш борасида сезиларли ўзгаришларни кузатиш мумкин. Албатта, бу хайрли ўзгаришларда Ўзбекистоннинг халқаро аксилтеррор коалициясинг кўрсатаётган ёрдами муҳим омил бўлмоқда.

Бу — генерал Томми Фрэнкснинг мазкур операция бошланганидан буён ўтган вақт ичида тўртинчи бор Ўзбекистонга келиши. Президент Ислом Каримов, меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ҳар соҳада жадал ривожланаётгани, ишончли мулоқотлар кўпаяётганини мамнуният билан таъкидлади.

Учрашувда Афғонистондаги вазият, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, икки мамлакат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Президент Ислом Каримов АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Бюджет бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Хокстра раҳбарлигидаги бир гуруҳ конгрессменларни ҳам қабул қилди.

Таъкидламоқ жоизки, бир вақтнинг ўзида мамлакатимизда АҚШнинг икки делегацияси меҳмон бўлаётгани ҳам Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари нечоғли катта суръат билан ривожланаётганини кўрсатади.

Яхши маълумки, АҚШнинг ички ва ташқи сиёсатида Конгресс муҳим ўрин тутади. 11 сентябрь воқеаларидан кейин бу яна бир карра яққол намоён бўлди. Қайси партиядан сайланганига қарамай, барча депутатлар жипслашди ва бир овоздан терроризмга қарши кураш ҳақидаги қарорни қўллаб-қувватлади.

Конгресс аъзоларининг мамлакатимизга ташрифлари ҳам давомий тус олган. Бу АҚШ олий қонун чиқарувчи органида Ўзбекистон билан муносабатларни янада ривожлантириш иштиёқи кучли эканлигидан далолатдир. Конгрессменларнинг юртимизга қизиқиши эса Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини равнақ топтиришда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Учрашувда Президент Ислом Каримов Конгресс фаолиятига юқори баҳо берар экан, халқаро террорчиликка қарши кураш доирасида амалга ошираётган ишлари учун АҚШ ҳукумати ва халқига миннатдорлик билдирди. Зеро, АҚШ бошчилигидаги халқаро коалициянинг саъй-ҳаракатлари билан қўшни Афғонистондаги террор ўчоқларига барҳам берилди ва Марказий Осиё барқарорлигига таҳдид солиб турган хавф камайди.

Бугал юртимизга ташриф буюрган делегация Вакиллар палатасининг фан, таълим, транспорт, инфратузилма, молия, энергетика, савдо, ҳарбий ишлар, қишлоқ хўжалиги каби соҳалар билан шуғулланувчи қўмиталари вакилларидан иборат. Бу ҳам Конгрессда Ўзбекистон билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш истаги кучли эканлигидан дарак беради.

Меҳмонлар халқаро аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлагани ва инсонпарварлик ёрдамини етказишда халқаро ҳамжамиятга кўрсатаётган ёрдами учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада равнақ топтириш, терроризмга қарши кураш, бирғалиқдаги саъй-ҳаракатлар билан Афғонистондаги тикланиш ишларига кўпроқ ёрдам кўрсатиш имкониятларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).



Қалбларда қувонч ҳарорати баланд. Барча бунёдкорона ишлар билан банд. Ахир, ўзбегимнинг энг улуғ, энг азиз тўйи — Мустақилликнинг 11 йиллик байрами яқинлашаётир.

Истиқлол тенгдоши бўлган болакайнинг шижоати ўт олов. «Ўзбекистоним довруғини дунёга янада ёяман» дейди. Истиқлол берган имкониятдан куч олаётган ўзбегимнинг бу янги авлоди ҳали дунёларга ўз сўзини айтажак.

Бобо юзларидаги ажинлар истибдод йилларидаги чеккан ситамларидан сўзлайди. Қатағондан, мустабид тузумнинг жабрларидан омон чиқиб, бу кунларга етганига шукроналар қилганча, дуога қўл очади.

Юртнинг сарҳадларида турган посбонини қаранг. Унинг қуроли — ҳушёрлик, сергаклик. Қалби садоқатдан, жасоратдан, матонатдан нафас олмоқда.

Танлов якунланди

«Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси танлов ҳайъати халқимиз учун энг улуғ ва энг азиз айёмимиз Мустақилликнинг шонли 11 йиллиги муносабати билан яратилган ва эълон қилинган — истиқлолнинг тарихий ва бемисл аҳамияти, ҳаётимиз ва тақдиримизда ясаган беқиёс ўзгаришлари талқин ва тараннум этилган қуйидаги ижодий ишлар муаллифларини «Энг улуғ, энг азиз» мавзуидаги танловнинг ғолиблари ва совриндорлари деб топди.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

Василий ЖАППАРОВ — рассом. «Шажара» асари учун (Қорақалпоғистон);

Зайниддин МИРЗАЕВ — рассом. Ватанга муҳаббат, Она ва бола мавзуларидаги туркум асарлари учун;

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ — фотосуратчи («Халқ сўзи»). Матбуотда эълон қилинган фотосуратлари учун;

Бахтиёр ОБИДОВ — рассом. «Ўзбегим навоси», «Ургут келинчаги», «Замондошларимиз» асарлари учун;

Юрий ЧЕРНОГАЕВ — журналист. Мустақилликка бағишланган долзарб мавзулардаги чиқишлари учун;

Саъдулла ҲАКИМ — шоир. «Сайланма» шеърий тўплами учун.

СОВРИНДОРЛАР:

Ғанишер АКБАРОВ (Наманган вилояти ТВ), **Ориемуҳаммад АБДУКАРИМОВ** («Ватанпарвар» газетаси), **Турсун АЛИ** («Туйғулар ранги» сайланмаси учун), **Абдуазим АЛИМОВ** («Ёшлар» телеканали), **В. ЛИСОВ** (рассом), **Ҳакимжон РИЗАЕВ** (наманганлик рассом), «Тошкент оқшоми» газетаси), **Муҳаррам ЮСУПОВА** (Педагогика фанлари доктори), **Рустам ШАРИПОВ** (фотожурналист), **Саодат ҲУРМОНОВА** («Қишлоқ ҳақида ўйлар» туркум кўрсатувлари учун).

(ЎзА).

● НАВСТРЕЧУ 11-й ГОДОВЩИНЕ НЕЗАВИСИМОСТИ

Покоренная высота

Наблюдая за тем, как группа десантников действует при захвате объекта, комбат одновременно что-то помечал в рабочем блокноте. Стоящие рядом офицеры нисколько не сомневались в том, что это отмечаются очередные недостатки, а значит, снова будет жарко при разборе «полетов». Некоторые даже заочно выразили сочувствие командиру группы лейтенанту Зарипову: «Достанется же Рустаму на орехи». И каково же было их удивление, когда вместо ожидаемых упреков они услышали в адрес молодого офицера слова благодарности.

— Хорошо сработано, лейтенант, вдумчиво, в реальном бою и задачу бы выполнили, и людей сберегли, одним словом, одобряю, — пожимая на прощание руку, произнес комбат.

Поздравляли Рустама и сослуживцы, искренне радуясь его успеху. Доброе слово комбата окрылило и лейтенанта Зарипова, но в то же время ко многому обязывало: на последующих занятиях снисхождений не будет. А командир подразделения и не ждал их. Еще с курсантской скамьи поставил он себе за правило — делать все на совесть. Эту черту характера Рустам перенял у своего отца — бывшего военного, который хоть и знал, какой нелегкой бывает офицерская судьба, тем не менее с легким сердцем одобрил выбор сына.

А выбор Рустама был непрост. Став курсантом ЧВТКИУ, он избрал для себя, пожалуй, самый сложный факультет — десантный. И не жалеет об этом. К первому месту службы летел словно на крыльях. Не терпелось выпускнику окунуться в мир настоящей мужской работы. И вот позади год — год побед и неудач. И все же первых было гораздо больше — ведь звание отличного подразделения присуждается не каждому. А именно на такую высоту поднял лейтенант Зарипов выучку своих подчиненных и теперь с гордо поднятой головой ведет их навстречу приближающемуся празднику — Дню независимости, идеалы которой он намерен отстаивать везде и всюду, до конца оставаясь верным избранной профессии.

Подполковник Я. КОРУКА.

На снимке: **командир группы лейтенант Рустам Зарипов.**

Фото **автора.**

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Бюджет бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Хокстра раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамда Мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди.

Учрашувда АҚШ конгрессменларидан иборат катта делегациянинг юртимизга ташрифи катта воқеа эканлиги таъкидланди. Зеро, бундай ташрифлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини оширади.

Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, минтақамиздаги вазият, халқаро террорчиликка қарши кураш, Афғонистонда тикланиш ишларининг бориши хусусида фикр алмашилди.

(ЎзА).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дунё миқёсидаги шон-шуҳратини ва обрўсини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни равнақ топтириш йўлидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин:

АКРАМОВА Дилбар — Ўзбекистон «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси;

БОБОЖОНОВ Ислом Олимович — Хоразм вилояти ҳокими;

ЗОКИРОВ Марат — Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори;

ЛАТИПОВ Азим Шукурович — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги раиси;

САИДОВ Муродулло — Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги Жейнов ширкат хўжалиги раиси;

ШАРАФИДДИНОВ Озод — «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, адабиётшунос.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 23 август.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН МАРҲУМ ФАН ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиётига бахшида этган бетакрор истеъдодли ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган катта илмий-ижодий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

Ҳабиб АБДУЛЛАЕВ — академик;

Содиқ АЗИМОВ — академик;

Тўхтасин ЖАЛИЛОВ — Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор;

Убай ОРИПОВ — академик;

Игорь САВИЦКИЙ — Ўзбекистон санъат арбоби, рассом;

Тошмуҳаммад САРИМСОҚОВ — академик;

Саъди СИРОЖИДДИНОВ — академик;

Обид СОДИҚОВ — академик;

Ҳамид СУЛАЙМОНОВ — Ўзбекистон фан арбоби, манбашунос олим;

Олим ХЎЖАЕВ — Ўзбекистон халқ артисти, актёр;

Собир ЮНУСОВ — академик;

Тошмуҳаммад Қори Ниёзий (ҚОРИНИЕЗОВ) — академик;

Яҳё ГУЛОМОВ — академик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 23 август.

Навоий—Учқудуқ—Султон Увайстоғ—Нукус темир йўли бунёдкорларига

Қадрли дўстлар!

Сизларни бугунги унутилмас воқеа — Навоий —Учқудуқ — Султон Увайстоғ—Нукус темир йўлида йўловчи поездлар қатнови бошланиши муносабати билан чин қалбимдан самимий мубораксод этаман.

Мамлакатимиз ҳаётида беқиёс иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бу улкан иншоотнинг мустақиллик байрами арафасида ишга туширилишида ўзига хос рамзий маъно бор.

Иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган темир йўл тизимини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган, лойиҳа қиймати 38,9 миллиард сўмни ташкил этадиган ушбу қурилишнинг айнан истиқлол йилларида амалга оширилгани мустақиллик халқимиз учун берган имкониятларнинг яна бир ёрқин намоёнидир, десак, асло хато бўлмайди.

Бу эса Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этиш, минтақадаги фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топиш ва тежаш, одамларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, кўплаб янги иш ўринларини очиш шаҳар ва қишлоқларда йирик саноат корхоналарини бунёд этиш, энг муҳими, жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш имконини беради.

Мен оғир табиий шароитга қарамасдан, туну кун фидокорона меҳнат қилиб, мураккаб муҳандислик ва техник ечимларни ўз ичига олган янги магистраль йўлни барпо этишда мардлик ва жасорат кўрсатган лойиҳачи ва инженерларни, қурувчи ва монтажчиларни, темирйўлчиларни, маҳаллий ҳокимият вакилларини, бир сўз билан айтганда, мана шу савобли ишга ҳисса қўшган барча юртдошларимизни қўлга киритилган улкан меҳнат ғалабаси билан яна бир бор мубораксод этаман.

Ишончим комилки, сизларнинг матонатингиз, билим ва маҳоратингиз билан барпо этилаётган мана шундай катта-катта йўллар ўзининг ёруғ келажаги сари интилаётган мамлакатимиз, халқимиз олдида янги истиқбол уфқларини очиши муқаррар.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳорманг, ҳамиша омон бўлинг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Диққат! 254-поезд янги йўналиш бўйлаб йўлга чиқди!

Темир йўл транспорти барча мамлакатлар иқтисодиётининг асосий алоқа воситаси ҳисобланади. Жўғрофий жиҳатдан денгиз йўлларидан бир қадар узоқда жойлашган Ўзбекистон учун эса у янада катта аҳамиятга эга. Чунки айни шу темир йўллар юртимизни жаҳон иқтисодиёти билан чамбарчас боғлайди. Мамлакатимиз ичкарисида эса янги ерлар, фойдали қазилма конларини комплекс тарзда ўзлаштириш, темир йўл орқали юк ва йўловчиларни ташишда транспорт таъминотини яхшилаш имконини беради.

Шу боис, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ушбу соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Вазирлар Маҳкамаси 1993 йилда қабул қилган Навоий—Учқудуқ — Султон Увайстоғ—Нукус темир йўл линияси таъмирлаш ва қуриш масалалари тўғрисидаги қарор бунинг яна бир яққол далилидир.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ўтган давр мобайнида мавжуд Навоий — Учқудуқ, Нукус—Султон Увайстоғ темир йўл линиялари таъмирланди. Учқудуқ — Мискин — Тўрткўл — Султон Увайстоғ йўналиши бўйича янги темир йўл магистрали қуриб битказилди. Қурилишнинг дастлабки босқичида юк ташувчи поездлар ҳаракатининг очилгани мазкур йўналиш бўйича юк ташиш оборотни сезиларли даражада ошишига олиб келди.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида янги қурилган Учқудуқ—Мискин — Тўрткўл — Нукус темир йўлида йўловчи поездлари ҳаракати бошланди.

22 август куни янги темир йўл линияси бўйича ҳаракатланадиган «Тошкент — Нукус» йўналишидаги 254-рақамли дастлабки поезд пойтахтимиздан йўлга чиқди.

Шу муносабат билан «Тошкент — Марказий» бекатида тантанали митинг бўлиб ўтди. Тадбирни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг раиси Р. Зоҳидов очди.

Таъкидланганидек, мазкур янги темир йўлда йўловчи поездлари қатновининг бошланиши нафақат темирйўлчиларимиз, балки бутун мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга молик воқеадир. Зеро, бунинг натижаси ўлароқ, ҳамюртларимиз учун талайгина қулайликлар яратилди. Шу билан бирга у катта миқдордаги валюта маблағини тежаш ва ишлаб топиш имконини беради.

«Тошкент — Нукус» йўловчи поездининг янги темир йўл линияси бўйлаб соатига 80 километргача тезликда ҳаракатланиш имкони пайдо бўлди. Йўлга кетадиган вақт эса қўшни Туркманистон ҳудуди орқали ўтадиган йўналишдагига нисбатан етти соатга қисқарди. Ўнлаб янги станциялар, темир йўл бекатлари барпо этилиши туфайли йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, янги иш ўринлари очилди.

Янги йўналиш бўйича йўлга шайланган дастлабки йўловчи поезднинг рамзий лентасини Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири А. Орипов қирқади.

Дастлабки поезднинг илк йўловчилари меҳнат фахрийлари, йўл қурилишида иштирок этган илғор ишчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткор ва журналистлар бўлди.

Карнай-сурнай садолари остида йўлга чиққан «Тошкент — Нукус» поездини вокзалда мамлакатимиз жамоатчилиги вакиллари кузатиб қолди.

Тадбирда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

Мукофот муборак!

Мустақилликнинг 11 йиллиги арафасида Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамда республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси томонидан ўтказилаётган «Энг улуғ, энг азиз» танловининг ғолиб ва совриндорлари аниқланди.

Республика ижодкорларининг бу нуфузли танловида «Ватанпарвар» газетаси бош муҳаррири полковник Ориемуҳаммад АБДУКАРИМОВ ҳам ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда юз бераётган улкан бунёдкорона ўзгаришларни, Қуролли Кучларимизда жадал суръатда бораётган ислоҳотлар моҳиятини ёритишдаги фаоллиги учун совриндорлар қаторидан ўрин олиб, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо мукофотга сазовор бўлди. Ҳамкасбимизни ва танловнинг бошқа ғолиб, совриндорларини қутлаб, уларга Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

«ВАТАНПАРВАР» чилар.

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

В ИНТЕРЕСАХ НЕЗАВИСИМОСТИ, УГЛУБЛЕНИЯ РЕФОРМ И КАЖДОГО ИЗ НАС

Как уже сообщалось, 29 августа начнет работу девятая сессия Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва. Постановление по этому вопросу принято Кенгашем Олий Мажлиса 29 июля. Уже на второй день после опубликования постановления состоялось заседание депутатской рабочей группы, которую возглавляет заместитель Председателя Олий Мажлиса Ф. Мухитдинова. Обсуждены конкретные вопросы подготовки предстоящей сессии парламента, выработана программа проведения всех подготовительных мероприятий на высоком политическом, профессиональном и организационно-техническом уровнях. Подготовка к девятой сессии Олий Мажлиса идет полным ходом в центре и на местах.

Особенность девятой сессии Олий Мажлиса состоит в том, что она проводится накануне одиннадцатой годовщины независимости страны. И этот рубежный характер придает ей особую значимость и огромное общественно-политическое звучание. Ведь принятые этой сессией документы будут работать уже на двенадцатую годовщину и последующие годы независимости нашей страны.

Вторая, не менее важная, особенность предстоящей сессии состоит в том, что она проводится в обстановке углубления демократических процессов в стране, на основе тех принципиальных установок, которые были высказаны Президентом страны И. А. Каримовым на предыдущих сессиях парламента. В частности, на основе его указаний о необходимости активизации всех сфер деятельности парламентских структур, повышения ответственности депутатских фракций, политических партий, комитетов и комиссий Олий Мажлиса и более четкого определения позиций партий и их избирателей в законотворческой деятельности парламента.

Одно из важных мест в работе парламента займет обсуждение вопроса **об исполнении Государственного бюджета Республики Узбекистан за первое полугодие 2002 года.** Об итогах социально-экономического развития страны в первом полугодии мы уже знаем из доклада главы нашего государства на июльском заседании Кабинета Министров. Можно прямо сказать, что 2002 год, а это наглядно подтверждают итоги первого полугодия, станет для нашей страны еще одним важным этапом в поступательном движении страны по пути реформ и строительства правового, демократического государства, гражданского общества, государства с развитой рыночной экономикой. В стране происходят большие изменения в экономике, в социальной сфере, в развитии науки и культуры. Обсуждение вопроса об исполнении Государственного бюджета за первое полугодие поможет парламентариям четче видеть потребности страны и вносить соответствующие коррективы.

Как известно, 14 августа состоялось совещание у Президента страны по вопросу о проекте Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2003 год, которое выработало соответствующие рекомендации. Под этим углом зрения пройдет и обсуждение исполнения Государственного бюджета страны за первое полугодие текущего года.

Основной блок вопросов повестки дня сессии парламента республики составляют законопроекты, направленные на дальнейшее совершенствование правовой базы реформ, углубление демократических принципов и основ развития нашего независимого государства в условиях рыночной экономики и приведения существующих законов в полное соответствие с потребностями времени.

(Окончание на 3-й стр.).

МОЛОДЫЕ ОФИЦЕРЫ — БУДУЩЕЕ ВООРУЖЕНЫХ СИЛ

ШАГ НАВСТРЕЧУ МЕЧТЕ

КОНСОЛИДИРУЮЩАЯ СИЛА



Лейтенант Ф. ЭЛЬБАЕВ, ЧВТКИУ:

— С ПЕРВЫХ дней пребывания в училище командиры и преподаватели, независимо какую кафедру они представляли, неустанно напоминали нам о роли воспитательной работы в армейской среде. Не буду кривить душой: поначалу не особо всерьез мы воспринимали эти слова, считая, что важней всего — сила приказа, но, побывав на стажировке, поняли — этот предмет, пожалуй, труднее всех остальных. Изучить тактико-технические характеристики вооружения, особенности стрельбы из него не просто, но вполне доступно, а вот как научиться заглянуть в душу солдата, распознать его, вывести на откровенный разговор? Нужно особое дарование, или и этому можно научить? Оказывается можно, более того, нужно. На учебно-методических сборах мы еще раз убедились в том, какое важное значение придается в войсках этому направлению. И неудивительно, что офицеры-воспитатели округа практически каждый день проводили с нами занятия по данной теме. Зато теперь мы уж точно знаем, с чего и как начать свою работу. К примеру, лично я, для того чтобы поглубже узнать своих подчиненных, непременно буду опираться на четыре основных метода, а именно: индивидуальная беседа, психолого-педагогическое наблюдение, обобщение мнений сослуживцев и наконец — изучение документов. Но это лишь верхушка айсберга того объема материала, который был представлен нам на сборах. Нас практически учили вроводить оперативное информирование, занятия по общественно-политической подготовке, целый ряд мероприятий политико-воспитательной работы, постоянно при этом акцентируя внимание на том, что командир — это не только военный руководитель, но и воспитатель. Предоставилась нам возможность и воочию убедиться, как проводится воспитательная работа в войсках. Командование находившегося на полевом выходе подразделения ни на минуту не выпускало из виду этот мощный рычаг воздействия на личный состав, что позволяло в конечном итоге добиваться высоких результатов. Мы благодарны командованию округа за те внимание и заботу, которые они проявили к нам во время сборов, и приложили все силы для нашего быстрейшего становления.

НОВЫЙ ВЗГЛЯД

Лейтенант Т. ТАЛИБОВ, СВВАКИУ:

— СКАЖУ без лишней скромности: я рад, что буду начинать офицерскую службу в округе, богатом десантными традициями. Знаю, здесь немало офицеров, имеющих богатый служебный и жизненный опыт, которым они уже сейчас щедро делятся с нами. Командование округа создало для нас все необходимые условия, чтобы мы смогли окунуться в реальный мир выбранной профессии. Училище дало многое: мы обогатились теоретическими знаниями, научились эксплуатировать технику, обслуживать ее, но надо признать, не до конца понимали ту полноту ответственности, что ляжет на наши плечи. Но вот прошел месяц, и взгляды на многие вещи в корне изменились. На смену мыслям о залихватской командирской удали пришло осознание того, что должность командира — это напряженная кропотливая работы, каждый новый день, который не похож на предыдущий. Но самое главное — За этот короткий отрезок времени удалось восполнить имеющиеся пробелы, на практике увидеть то, с чем придется сталкиваться в дальнейшем. Например, на полигоне, где проводились сборы, параллельно велась доподготовка молодых водителей. Ну скажите, разве можно было не использовать такую возможность и не поучаствовать в организации и проведении маршей, где опытные руководители буквально по полочкам раскладывали все те мероприятия, которые без сучка и задоринки позволяли выполнить поставленную задачу. Более того, мы учились работать с людьми, подмечая то, на что в будущем придется делать ударение. Познали тонкость организации внутренней службы в парке, изучили ряд руководящих документов, требования которых напомнили нам о том, как многому нужно еще учиться. Благодаря этим сборам, мы придем в подразделения, хоть еще и не профессионалами, но уже и не дилетантами, а ведь именно здесь мы укрепили веру в собственные силы.

КРУГЛЫЙ СТОЛ «ВАТАНПАРВАРА»

Становление молодых офицеров, как правило, всегда сопряжено с определенными трудностями. Нередко радужные надежды выпускников военных училищ, едва соприкоснувшись с суровой действительностью армейских будней, лопаются словно мыльные пузыри. Как избежать подобного дисбаланса? Что необходимо сделать, чтобы лейтенанты с первых дней пребывания в частях не чувствовали себя обособленно, а смело брались за дело? В последнее время эти вопросы все чаще и чаще выносятся на повестку дня военных советов округов, нашли они свое отражение и на недавнем заседании Военной коллегии Министерства обороны, что свидетельствует о необходимости их незамедлительного решения. Действительно, недооценивать их истинного значения нельзя, поскольку молодые офицеры — это будущее Вооруженных Сил, их цементирующая сила и основа. В связи с этим в одном из пунктов постановления Военной коллегии, в частности, говорится: «Командующим войсками военных округов, органам воспитательной работы спланировать мероприятия по встрече молодых офицеров, их обустройству и вводу в строй. Продумать вопросы их размещения, обеспечения жильем, положенными нормами довольствия. Назначить приказами по части для оказания помощи лейтенантам на период их становления наиболее подготовленных в профессиональном плане, дисциплинированных офицеров-наставников». Отрадно, что во многих воинских коллективах эти решения взяты за основу и плодотворно претворяются в жизнь. И первоначальным этапом в данном направлении стали учебно-методические сборы с молодыми лейтенантами, в ходе которых им предоставилась хорошая возможность пополнить багаж своих знаний, приобрести необходимые практические навыки. Впрочем, о том, что положительного почерпнули для себя во время проведения сборов, рассказывают в ходе беседы за «круглым столом», организованного нашим корреспондентом подполковником Я. Корукой в Восточном военном округе, их непосредственные участники.

ПОПОЛНИЛИ БАГАЖ ЗНАНИЙ

Капитан В. РАХМАТОВ, исполняющий обязанности заместителя командира части по боевой подготовке:

— НЕЛЕГКО молодым офицерам начинать свою работу с подчиненными. Не хватает опыта организации занятий, навыков воспитания личного состава. Самой, пожалуй, распространенной их ошибкой является неумение выделить главное. Зачастую это приводит к тому, что иной лейтенант старается охватить все сразу. Если своевременно не предупредить его об этом, не помочь ему нащупать основное звено, то он распылит свои силы и внимание, а значит, не сумеет добиться желаемого. Чтобы подобного не произошло, офицеры, привлекаемые на сборы в качестве руководителей, стремились дать основные направления в их дальнейшей деятельности, и хотя, как известно, готовых вариантов на все случаи жизни нет, тем не менее, определенные постулаты они усвоили. И хотелось бы отметить, что делали это с огромным желанием, стремясь познать как можно больше нового. Основной акцент в обучении начинающих офицеров мы делали на практические занятия, что в общем-то позволило заметно улучшить показатели участников сборов. Как свидетельствуют итоги зачетов, уровень выучки лейтенантов, их профессионализм по сравнению с начальным периодом заметно разнится. Они уверенно чувствуют себя на огневых городках и директрисах, при проведении занятий на воздушно-десантном комплексе, а это ни что иное, как свидетельство того, что пополнение будет достойным, которое с первых же дней сможет качественно руководить вверенными им подразделениями и службами. Помимо боевой подготовки хорошие навыки приобрели лейтенанты и в вопросах организации воспитательной работы. Подводя итог сказанному, необходимо подчеркнуть, что ни одна категория — будь-то десантники, артиллеристы, связисты или автомобилисты, не остались без должного внимания, что позволило вчерашним выпускникам сделать еще один шаг навстречу своей мечте — стать настоящими профессионалами, настоящими защитниками Родины.

От редакции

Итак, начало положено. Как свидетельствуют слова молодых офицеров, учебно-методические сборы стали для них хорошей школой, которая будет надежной опорой в их дальнейшей служебной деятельности. Но это лишь маленькая толика того, что должно сделать командование частей, куда прибыли вчерашние выпускники. Впереди кропотливый труд в их становлении как командиров и как личностей. Только обстановка глубокого взаимного уважения, товарищества, бережное отношение к начинающим офицерам позволит им сполна раскрыться и продемонстрировать свои умения и навыки.

УЧИЛИСЬ МЕТОДИКЕ

Лейтенант У. ИСКАНДАРОВ, ТВОКУ:

— ЕЩЕ будучи на войсковой стажировке часто задавался вопросом: как управляются командиры подразделений с той массой задач, которые встают перед ними каждый день и решение которых не терпит отлагательств? Но, к сожалению, самостоятельного ответа найти не мог, а спросить у офицеров почему-то не решался. И вот наступил день, когда сам надел офицерские погоны, а вместе с ними волнующий тогда вопрос встал с новой силой. По правде говоря, прими я сразу в свое подчинение личный состав, дров бы, кажется, наломал немало. Сегодня же, когда позади месячные сборы, ситуация резко изменилась. Офицеры, проводившие с нами занятия наравне с другими важными факторами, учили нас правильно распределять свое служебное и личное время, а еще делали упор на то, что в подразделении мы не одни, а есть наши надежные помощники — сержанты, на которых необходимо опираться в своей деятельности. Причем наставления старших товарищей были конкретными и предметными, по всему чувствовалось, что за плечами у них хорошая школа. Теперь и мы знаем, как необходимо работать с младшими командирами, как добиться от них требовательности к подчиненным, безукоризненной исполнительности. А это означает, что половину ответа на свой вопрос я получил и теперь не доведется распыляться по мелочам и сетовать на текучку. Еще одно важное слагаемое, которое я усвоил и без чего немыслима командирская деятельность — это высокое методическое мастерство офицера. Каждое занятие он должен проводить строго по-уставному, в соответствии с необходимыми наставлениями, что позволит ему завоевать авторитет и уважение в коллективе. Этому нас на сборах учили основательно. Практически каждый из нас побывал в роли руководителя занятия по огневой, технической, строевой подготовкам и теперь не понаслышке знает, как их проводить, а потому не вызывает сомнений то, что нынешний поток лейтенантов займет достойное место в офицерском корпусе, чему во многом, конечно же, способствовали учебно-методические сборы.

ОТПРАВНАЯ ТОЧКА

Лейтенант Д. ТУРАЕВ, ТУИТ:



— КАК выпускник Специального факультета, я, пожалуй, как никто другой, нуждался в проведении данных сборов. Сказывался определенный дефицит военных знаний, без которых в боевых подразделениях пришлось бы, честно говоря, туговато. И хотя двадцать четыре дня — срок не такой уж и большой, тем не менее почерпнуть удалось довольно многое. Должность, которую возглавлю в ближайшее время, — начальник связи отдельного батальона, а это значит, что в подчинении и современные технические средства и, конечно же, люди, от умения, дисциплинированности которых во многом будут зависеть дела всего коллектива. Но вот как добиться крепкой воинской дисциплины, как сплотить подчиненных, объединив их в единый монолит? Четкие рекомендации на сей счет я получил именно на сборах. Теперь мне известно, с чего начать и как необходимо изучать личный состав, как правильно использовать индивидуальные способности во благо общего дела. Нелишними оказались и занятия по специальности. Такие вопросы, как «Оперативно-техническая служба на узлах связи», «Организация боевого дежурства», «Основы автоматизированных систем обработки информации», «Радиомаскировка и дисциплина связи» — дело, в общем-то, знакомое, но, как известно, повторение — мать учения. К тому же все они рассматривались в контексте с их непосредственным применением на местах, а потому было немало и нового, что, несомненно, пригодится в дальнейшей работе. В расписании занятий немало значилось и общевойсковых дисциплин, что позволило поднять общий уровень. Ведь недалек тот час, когда вместе с подчиненными необходимо будет держать ответ на итоговой проверке, где скидок на молодость уже не будет. Одним словом, для того, кто стремился пополнить багаж, кто и в дальнейшем не намерен довольствоваться достигнутым, данные сборы сослужили добрую службу, став своего рода отправной точкой в нашей офицерской службе.

Военно-политические новости

САНКЦИИ СКОРЕЕ СИМВОЛИЧЕСКИЕ

Администрация Джорджа Буша наложила санкции на КНДР, так как доказала, что Северная Корея продавала ракеты типа СКАД Йемену до того, как Джордж Буш стал президентом. Об этом сообщили неназванные представители американских властей. Ракеты продавались по частям. Нынешние санкции запрещают лицензии и контракты на поставку высокотехнологичного оборудования и касаются как корпорации (которая участвует в правительственной программе экспорта вооружений), так и северокорейского правительства. У США нет контрактов с КНДР в этой области, так что наложение санкций выглядит скорее символическим шагом.

«НЕОПОЗНАННЫЕ САМОЛЕТЫ»

Власти Грузии утверждают, что три человека погибли и семеро ранены в результате бомбардировки Ахметского района Грузии «неопознанными самолетами». Руководитель службы по связям с общественностью МГБ Грузии Ника Лалиашвили на пресс-конференции в Тбилиси заявил, что со стороны российской границы на территорию Ахмета залетели несколько боевых самолетов, которые направились в сторону Панкисского ущелья, перелетели через него и осуществили бомбардировку ущелья Ирто Ахметского района и лесных массивов. По утверждению Лалиашвили, в результате погибли отец и сын Отиашвили, а также женщина по фамилии Караулашвили. Он утверждает, что состояние здоровья раненых, доставленных в ахметскую больницу, довольно тяжелое. По словам Лалиашвили, спецгруппы уже работают на месте происшествия. По его словам, делается все для того, чтобы сохранить спокойствие и предотвратить панику среди местного населения.

УНИЧТОЖЕНЫ 20 БОЕВИКОВ

Около 20 боевиков уничтожены в районе населенного пункта Бамут на административной границе Чечни и Ингушетии, сообщил представитель штаба Объединенной группировки войск на Северном Кавказе в пятницу. «Здесь во второй половине дня в четверг отряд армейского спецназа обнаружил крупную банду — до 100 боевиков. По боевикам наносила удар артиллерия. Зачистку района проводит армейский спецназ», — сказал представитель штаба ОГВ.

ВЗРЫВ

В результате взрыва в лагере беженцев в афганском городе Спинбулдаке погиб один человек и пятеро детей получили ранения. Как сообщили представители местных властей, причина взрыва пока не установлена. Возможно, взорвалась противопехотная мина.

(По страницам Интернета).

ХОТИРАДА ҚОЛАР БУ ЛАҲЗА

— Айтингчи, ўртоқ мухбир, десантчи аскар ҳаёти давомида армиядаги қайси воқеани кўпроқ эслайди, сизнингча? — дея савол берди полигонга ҳамроҳлик қилиб борган майор С. Кармазин.

Бир оз ўйлаб, жавоб беришга энди чоғланган эдим ҳамки, жавобни-да ўзи илиб кетди:

— Унинг жанговар ҳаётида илк бора парашют билан сакраш воқеаси улкан таассурот қолдиради. Бари эсидан чиқиши мумкин, аммо буни фахрланиб, ғурурланиб айтиб юради.

Майорнинг ширин хаёлларга чўмиб айтаётган бу гапларидан унинг ўзи ҳам айни лаҳзада ўша таассуротлари оламига шўнғиганини пайқаш қийин эмас эди.

Шу баҳона бўлди-ю, мақоламинг бўлгуси қаҳрамонидан илк бор парашют билан сакрашдаги таассуротлари хусусида сўрашга қарор қилдим.

Оддий аскар Дилшод Мамажонов, 2001 йилнинг баҳорида муддатли ҳарбий хизматга келган. Ҳозирча пособ саккиз бора парашют билан сакраган.

— Полигонда 15 кун давомида машғулот ўтилди. Майор С. Кармазин, лейтенант А. Кенжаевлар бизга ҳар тарафлама сабоқ беришди. Очиғи, дастлабки пайтлар парашют йиғиштириш машқининг ўзига кўн сафдошларим икки соатгача вақт сарфлашарди. Мана энди 40—45 минут давомида бу вазифани бажарамиз. Парашют билан биринчи бора сакраганимиз ҳам шунга ўхшаш. Айрим пособларимиз парашют стропаларини бир хил мувозанатда тортмаганлиги сабаб, ерга сал нотўғри туширди. Бироқ, ҳеч ким шикастланган йўқ. Менга келсак, ҳаяжоним ўта кучли эди. Парашют очилганидан кейин бир оз вақт ўзимни йўқотиб қўйдим. Яъни, стропаларни бир маромда тортолмадим. Аммо тезда ўзимни ўнглаб олиб, командирларим кўрсатмаларидагидек иш тутдим. «Осон экан-у, парашют билан сакраш», деб юборибман. Ахир, тайёргарликлар давомида бу бизга жуда мураккаб кўринганди-да. Парашютимни зўдлик билан йиғиштириб, белгиланган вақтда машқни тугатдим. Гуруҳ командири машқни яхши баҳога бажарганимни айтиб, табриклади. Ўйлайманки, бу воқеа умрбод эсимдан чиқмайди, — дейди оддий аскар Д. Мамажонов.

Полигонга борганимизда десантчи аскарлар трамплиндан сакраш машқини бажаришаётган экан. Четдан туриб, бир оз машғулотни кузатаман. Пособлардан бири сал нотўғри сакради. Командири нималарнидир такрор-такрор уқтирди. Тўғри-да, парашют билан самолётдан сакраганда ҳам шундай хатога йўл қўйса, шикастланиши мумкин. Кейинги гал ерга рисоладагидек тушди. Ҳа, машқда доимо ана шундай қийин бўлади-да.

— Биз десант таъминоти взводи аскарларимиз. Шунинг учун ҳам ҳаво-десант тайёргарлиги бўйича амалий кўникмаларимиз анча юқори бўлмоғи лозим. Негаки, бошқа жамоалар аскарларининг парашют билан сакраш машқларида биз ҳам бевосита ёрдам берамиз. Дейлик, оддийгина кўринган парашютни йиғиштириш машқини олайлик. Унинг олтита босқичи бор. Ҳар бир босқични тез ва сифатли бажариш ютуқни таъмин этади. Бу борадаги тажрибаларимизни жамоадошларга ўргатамиз, — дейди суҳбат давомида Дилшод.

Айтганча, оддий аскар Мамажонов ўзбек автомобилсозлигининг ватани бўлган Асакадан. Шу боис ҳам мустақиллик ҳақида гап кетганда, у сўзини ана шу мавзуга қаратди.

— Истиқлол сабаб халқимиз ўз автомобилларига эга бўлди. Мана, энг замонавий автомобилимиз «Матиз» ҳам бир ёшга тўлибди. Кўплаб мамлакатларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган машиналарга талаб борлиги ҳақида ўқиб, эшитиб фахрланаман. Бугун келажаги буюк юртим осойишталигига баҳоли қудрат улуш қўшаётганимдан шодман.

Дилшод Мустақиллик байрами арафасида навбатдаги парашют билан сакраш машқини амалга оширмоқчи. Айни дамда шунга тайёргарлик жиддий. Бу сафар 600 эмас, 800 метр баландликдан сакрашлари мумкин. Десантчи пособида қатъият, ўз билими, кучига ишонч етарли. Демак, қутлуғ байрам олдидан жамоасига навбатдаги аъло баҳони олиб келишига шубҳа йўқ.

Капитан А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
К. ТУРАЕВ суратга олган.

БИРЛИК БОР ЖОЙДА

Капитан Нуриддин Валиев командирлик қилаётган взводда замонавий техникага қизиқувчан йигитлар кўп. Улар бевосита амалий машғулотларда назарий билимларини мукаммаллаштиришмоқда.

Баъзи мавсум ўқув машғулотлари давомида бу интилувчан ёшларга радио-электрон техникалар, уларнинг тузилиши ҳамда иш бажариш вазифалари ҳақида етарли билим ва маълумот берилмоқда. Бугунги кунда аксарият аскарлар замонавий техникаларни мустақил равишда моҳирона ишлатишмоқда.

Комил инсон барча илмлардан боҳабар бўлиб, ўз айбу нуқсонларини батамом маҳв этган, нафсу ҳаваси жиловини тутиб, эзгулик, одамийликни тушуниб етган кишидир. Бу юксак мартабага жисман ва маънан чиниқиш, изланиш, тинимсиз машқ ва меҳнат орқали эришилади. Капитан Н. Валиев буни яхши билади. У шу боис ҳам аскарлар қалбига йўл топа олади. Қўл остидаги жангчиларни чаққон ва сергак пособ бўлишга ундайди. Кўз ўнгида ҳар жиҳатдан чиниқиб, камол топаётган ёшларни кўрганда қувонади.

Командирнинг ҳаракатлари бесамар кетмаяпти. Айни пайтда ушбу взвод аскарлари қисмда ўрнак. Шу ўринда кичик сержантлар— А. Айтиев ва У. Холматовлар номларини қайд этиб ўтиш лозим. Бу йигитлар ўз бурчларини шараф билан уддалашмоқда. Улар техник ва бошқа тайёргарликларда фаол иштирок этишмоқда. Радио-электрон техникалар бўйича сафдошларига сабоқ ҳам беришмоқда. Аскарлар ўртасида ўзаро дўстлик, аҳил муносабат барқарор. Бу яхши хизматга, билим чўққиларини забт этишга замин бўлиши, шубҳасиздир.

Кичик лейтенант Ҳ. МИРЗАЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ҲАЙДОВЧИЛАР ЙИҒИНИ

Қисм паркига кирганимизда аскарлар БТР жанговар техникаси ёнида қанақадир машғулот ўтишаётган экан. Эътиборим дарҳол унга қаратилганини сезган қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник У. Нурматов изоҳ бера кетди: «Яқинда қисмимизда ёш ҳайдовчилар йиғини бошланди. Моддий ўқув базамиз яхши бўлгани учун ҳам бошқа гарнизонлардан аскарлар келиб, муайян вақт давомида машғулот ўтишади. Марҳамат, ўзингиз улар билан бир суҳбатлашиб кўринг, ҳам шарт-шароитлари, ҳам машғулотнинг қай даражада ўтилаётганини билиб оласиз».

Бизни йиғин командири лейтенант Раҳимжон Турғунов қарши олди. Айнан биз борган маҳалда у йиғин иштирокчиларига БТР-80нинг техник тавсифларини батафсил ўргатаётган экан.

— Ёш ҳайдовчилар йиғинига капитан С. Бурҳонов бошчилик қилмоқда. Мазкур йиғин 3 ой муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳайдовчи вазифасидаги пособларга БТР-80 жанговар техникасини ўргатамиз. Яъни бошқариш, таъмирлаш, нишонга отиш қабилар шулар жумласидан. Йиғинда ҳар ҳафталик режа тузиб, уни тасдиқлатамиз. Айтиш лозимки, ёш ҳайдовчилар фақат жанговар техникани ўрганиш билан чегараланиб қолишмайди. Уларга саф тайёргарлиги, ижтимоий-сиёсий, жисмоний тайёргарликлар ҳам мунтазам ўтиб борилади. Мана, йиғиннинг дастлабки ойи ҳам ортда қолди. Яқинда полигонда жанговар машинани бошқариш машқини ўтдик. Аскарлар, тўсиқлардан моҳирона айланиб, баландликлардан ошиб ўтиб, малакалари шаклланаётганини исботлашди. Очиғи, улардан кўра ўзим кўпроқ суюнгандирман. Негаки, шогирдларимда сабоқларимнинг илк самарасини кўраётгандим-да. Машғулотлар кўриб турганингиздек паркда, техник синф хоналарида ўтилаяпти. Йиғин иштирокчиларининг бари муддатли ҳарбий хизматгача ҳайдовчиликка ўқишган. Шу сабабли сабоқларни ўзлаштириш юқори. Ҳатто баъзи бирлари мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомобилчилар тайёрловчи мактабларида БТР жанговар техникасини ҳайдаб ҳам кўришган. Энг муҳими уларнинг барчасида интилиш, қизиқиш юқори. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қисм қўмондонлиги йиғиннинг юксак савияда ўтишига жиддий эътибор қаратишган. Машғулот ўтилишидан тортиб, дам олишгача барча шароитлар муҳайё. Масалан, дам олиш куни қисм клубида турли кинофильмлар намойиш қилинмоқда.

Мустақилликнинг 11 йиллиги арафасида навбатдаги амалий машғулотни ўтамиз. Ишонаманки, пособларимиз бу машқда ҳам ютуқларга эришиб, байрамга муносиб совға ҳозирлашади. Айни пайтда оддий аскарлар — Ҳамид Облоқулов, Содиқ Жабборов, Жамол Норқуловлар йиғининг энг фаоллари-дан,— дейди биз билан суҳбатда лейтенант Р. Турғунов.

Энди йиғин иштирокчиларининг ҳам фикрларига қулоқ тутсак.

Оддий аскар Ҳамид Облоқулов:

— Йиғинда фақат жанговар техникани ўрганиш билан чегараланиб қолмаяпмиз. Саф машғулотлари, қўл жанги машқи, жисмоний тайёргарликлар бизни янада чиниқтираяпти. Ўзим «В», «С» тоифали ҳайдовчиман, Техникага қизиқишим баланд. Шу боис йиғиндан ташқари борича кўп нарсаларни ўрганмоқчиман.

Оддий аскар Жамол Норқулов:

— Муддатли ҳарбий хизматгача автомобилчилар тайёрлаш мактабида БТРни ҳайдаб кўргандим. Шу сабабдан ҳам яқинда бўлиб ўтган амалий машғулотда унча қийналмадим. Бироқ техникани бошқариш билан иш битмайди. Уни таъмирлашни, техник характеристикасини кўпроқ билишни истайман. Йиғинда эса тажрибали устозимиз — лейтенант Р. Турғунов бу ҳақда батафсил ўргатмоқда.

Ҳадемай, йиғин ҳам ниҳоялаб, пособлар ўз жамоаларига қайтишади. Ҳар томонлама шаклланиб, жанговар техниканинг моҳир жиловкорлари бўлиб, албатта,

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

● 31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЕД ЭТИШ КУНИ

Кимга душман эди, Дўстмурод?

Дўстмурод бобо Саидов умрининг сўнгги онларини ўзи тугилиб-ўсган Шўркашон қишлоғида ўтказди. Янглишмасам, 80-йилларнинг ўрталарида вафот этган. Мен бу киши билан ҳамсуҳбат бўлмаганман. Аммо айтишларича, анча бамаъни инсон бўлган экан. Колхозлаштириш даврида қишлоқдошлари уни ранс қилиб сайлашади. Қулоқлаштириш сиёсати пайти «ижтимоий келиб чиқиши» деган тушунча кўп одамларнинг ёстигини қуритгани, сургунларда сарғардон қилгани маълум. Дўстмурод ҳам ўзига тўқ оиланинг фарзанди эди. Шу боис уни биринчилар қаторида қулоқ сифатида Сибирга сургун қилишади. Ундан кейин ҳам киндик қони тўкилган гўшага келишига рухсат этилмайди. Тошкент вилоятида яшашга маҳкум қилинган, анча вақт. Эҳ-ҳе, тадқиқ этиб чиқадиган бўлсак, қатағон зулмини тортганлар ҳар бир қишлоқда анчагина топилади.

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида Бўзсув бўйида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи қурилиши ниҳояланаётгани ҳақида маълумот бергандик. Таъбир жоиз бўлса, ана шу музей мустабид тузум жабрини тортган Дўстмурод бободек инсонлар хотирасини бизга эслатиб туради. Музей орқали уларнинг аянчли тақдири шу озод ва ҳур кунлар уминдаги кураши кўз олдимизга келади. Ҳа, истиқлол нурлари ўтмишимизнинг бу қора саҳифаларини ёритиб, ноҳақ жабрланган аждодларимиз руҳларини шод этаётганини бугун ҳар бир юртдошимиз эътироф этмоқда. Эсингизда бўлса, биз фақат музей қурилишидан сўз очгандик. Шу ўринда яқин кунларда очилажак бу маскандан қандай экспонатлар жой эгаллаши, умуман унинг моҳияти хусусида билишга, уни сиз газеталарга-да илинишга қарор қилдик. Ушбу ниятда «Шаҳидлар хотираси» жамғармасига бориб, унинг раиси Наим Каримов билан суҳбатлашамиз. Наим аканинг иш кабинети қатағонга учраган инсонларнинг ҳужжатлари, буюмларига тўла, десак муболаға бўлмайди. Ер ишлари халқ комиссари Рустам Исломов республикамизнинг бошқа раҳбарлари каби қатағонга учраган. Бу тамғадан, табиийки, унинг рафиқаси Элмира Исломова ҳам бенасиб қолмаган. Ана шу аёлнинг тикув машинаси Наим ака кабинетида турибди. Музей очилганда бундайин буюмлардан кўпини кўришингиз мумкин.

— «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи халқ ҳунармандчилигимизнинг нодир намуналари асосида қуриб, битказилаяпти. Унда 7 та экспозицион зал бўлади. Биринчи залда чор империясининг Ўрта Осиёни босиб олиши билан боғлиқ экспозиция бўлади. Биз тарихий манбаларга таяниб, унда қурбон бўлганларнинг тахминий сонини келтирамиз. Маълумки, мустамлакачилик сиёсатига қарши юзлаб катта-кичик қўзғолонлар бўлган. Шулардан асосан 3 тасини танлаб олдик, экспозиция учун. 1892 йилда Тошкентда бўлган вабо қўзғолони, 1898 йилдаги Дукчи эшон қўзғолони, 1916 йилдаги қўзғолон. Булардан ташқари жадидлар ҳақида, Туркистон мухторияти борасида маълумотлар бўлади. Уша пайтда чоп этилган русча газеталардан бирида қонга ботирилган Туркистон мухторияти ҳақида шундай ёзувлар бор экан: «Қўқон мурдалар шаҳрига айланди».



Тарихимизда яна бир саҳифа бор. Шўро тузумига қарши бошланган бу кураш илгари босмачилик ҳаракати, дея талқин этилган. Бу миллий озодлик ҳаракати, деб ҳам ном олганди. Мунозарали жиҳати шундаки, мазкур ҳаракат вакиллари ичида истиқлол учун курашганлари ҳам, гоҳо талончилик қилганлари ҳам бор. Яъни, уларнинг маънавий қиёфаси бир хил эмасди, албатта. Шу сабабли бу кураш большевикларга қаршилик ҳаракати, дея ном олади музей экспозициясидан, — дейди жумладан Н. Каримов.

Қулоқлаштириш, қатағон, пахта иши билан боғлиқ компаниялар борасидаги маълумотлар ҳам музейни бойитишини айтиб ўтганмиз.

Дарвоқе, таътилга чиққанимда Дўстмурод бобо Саидовнинг жияни иккинчи жаҳон уруши фахрийси Болта бобо Муродов билан суҳбатлашиб қолдим. «Яратганга шукр, ана шундай дориломон кунларга етиб келдик. Амаким ҳаётининг охиригача руҳан эзилиб яшади. Халқига, юртига беқиёс хизмати сингди. Бироқ бунга «мукофот» тарзида берилган «халқ душмани» тамғасини кўтара олмасди. Музей очилсин, бориб бир зиёрат қиламан. Ана шундай одамлар ҳақида ёзинглар болам. Мустақилликни, шундай ҳур замонни орзу қилиб ўтиб кетди, деб ёзинглар». Бу гапларни айтар экан, кўзларида ёш айланди.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

В ИНТЕРЕСАХ НЕЗАВИСИМОСТИ, УГЛУБЛЕНИЯ РЕФОРМ И КАЖДОГО ИЗ НАС

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Среди этих законопроектов: **«О селекционных достижениях» (новая редакция), «Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах» (новая редакция), «О недрах» (новая редакция), (первое чтение), «Об обращениях граждан» (новая редакция), (первое чтение), «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О рекламе» и другие.**

Чем вызвано то обстоятельство, что большинство вопросов повестки дня сессии представляют из себя законопроекты в новой редакции или внесение изменений и дополнений в существующие уже законы? Это вызвано тем, что в наше быстротечное время соответственно и быстро меняются условия, в которых действуют принятые законы. Меняется государство, меняются экономические взаимоотношения, меняются и наши подходы к решению назревших проблем. Они-то и требуют внесения изменений, дополнений или общей переработки закона, то есть новой редакции. Все течет, все меняется — утверждали древние философы. А в наше время все течет и все меняется стремительно. И оно, это время, наша жизненная практика настоятельно требуют систематического и своевременного обновления уже существующих законов в интересах ускорения реформ и в интересах конкретного человека. Тем более, что в стране идет интенсивный процесс углубления демократизации государства и общества, расширения прав граждан.

В частности, в проекте Закона Республики Узбекистан **«Об обращениях граждан (новая редакция)** значительно расширен круг органов, в которые граждане могут обращаться с жалобами, заявлениями и предложениями за счет органов самоуправления граждан. Предусматривается повышение ответственности должностных лиц госорганов при рассмотрении обращений к ним. Усилены гарантии прав граждан на обращения с жалобами, заявлениями, а также повышается возможность их участия в процедуре рассмотрения своих заявлений.

Значительные новшества найдут граждане страны, особенно те, кого законопроект касается напрямую, в проекте Закона **«Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах» (новая редакция).** Он будет активно способствовать внедрению передовых технологий, появлению и внедрению технических новинок, осуществлению компьютеризации, закреплению прав на изобретения и надежно гарантировать права патентообладателей.

Большое практическое значение будут иметь также нововведения в Законах «О недрах», «О селекционных достижениях», а также изменения и дополнения, которые найдут отражение в Законе «О рекламе».

Из новых законопроектов особое значение имеют проекты Законов **«О государственной статистике», «О принципах и гарантиях свободы информации» и «О донорстве крови и ее компонентов».** Все эти законопроекты имеют не просто правовое или юридическое, но и огромное практическое значение в жизни общества, государства и его граждан.

Несколько слов о проекте Закона «О принципах и гарантиях свободы информации». Значение этого законопроекта трудно переоценить. Принятие этого правового документа еще больше расширит и укрепит правовую базу в сфере печати и информации. Все мы хорошо знаем и помним неоднократные выступления главы государства о повышении роли средств массовой информации. В праздничном поздравлении работникам печати и средств массовой информации в этом году **Президент И. А. Каримов писал: «В нынешних условиях, когда все более возрастает уровень мышления, политическое сознание и культура народа, укрепляется здравый смысл в обществе, и наши граждане, пройдя сквозь сложные испытания и суровые дни, приобрели достаточный опыт для того, чтобы отличить белое от черного. Нет сомнения в том, что настало время отражать на страницах печати, на телеэкранах и посредством эфира другие бытующие в жизни мнения и взгляды и делать из них соответствующие выводы».** Без этого наша печать и другие средства массовой информации не смогут в полном объеме отражать мнение различных слоев населения, различных политический партий и мнение их электората.

Несомненно, принятие нового Закона «О принципах и гарантиях свободы информации» не только расширит, но и упростит правовое поле печати и средств массовой информации.

Парламентариев ждет настойчивая законотворческая работа. Подготовка к сессии идет на высоком политическом, организационном и техническом уровне. А повестка дня сессии парламента еще и еще раз показывает, что **у нас ни при каких обстоятельствах не теряется главный ориентир, ради которого и совершаются кардинальные реформы — человек, его дело, его жизнь, его настоящее и будущее.**

А. КУРГАНОВ.

Экономика. Наука. Техника

ЧЕРЕЗ 20 ЛЕТ...

Гигантский астероид пролетел в воскресенье рядом с Землей, предоставив астрономам редкую возможность внимательно изучить это космическое тело. Астероид прошел на расстоянии около 500 тысяч км от Земли.

Астероид находился в созвездии Орла и выделялся среди других объектов ночного неба быстрым перемещением.

В следующий раз астероид пройдет мимо нашей планеты через 20 лет. Для определения траектории его полета ученые используют собранный сегодня материал.

СПИСОК НОМИНАНТОВ

В Лондоне организационный комитет по вручению престижной литературной премии Букера обнародовал список номинантов 2002 года. В число 20 претендентов на главный приз (в размере 50 тысяч фунтов или 76 тысяч долларов) вошли несколько известных в странах британского содружества авторов: ирландец Уильям Тревор, англичанка Анита Брукнер, в 1984 году уже получившая одного Букера, а также известный в Европе писатель Джон Макгрегор.

Кроме «ветеранов» британской литературы (Брукнер и Тревор уже старше семидесяти лет) в список претендентов вошли совсем молодые авторы. Например, Зади Смит, чья книга «Белые зубы» два года назад стала бестселлером в Британии.

АКТИВНОСТЬ СОХРАНЯЕТСЯ

В понедельник сохранялся повышенная активность вулканов Шивелуч и Карымский на Камчатке.

Наблюдаются выбросы пепла и раскаленного пара из кратеров гигантских сопок. Однако, как считают специалисты, опасности для населенных пунктов сейчас они не представляют.

ПО ИРОНИИ СУДЬБЫ...

Из лондонского музея-квартиры Чарлза Диккенса были украдены первые экземпляры издания «Рождественской песни в прозе». Воры проникли в музей в часы посещений и взломали дверь в кабинет, где хранились три экземпляра повести стоимостью в несколько тысяч долларов каждый. Злоумышленники также попытались похитить рукопись «Записок Пиквикского клуба». Как заявил в четверг директор музея, по иронии судьбы украденная повесть призывает людей делать добро.

МОГЛО БЫТЬ ХУЖЕ

Министерство здравоохранения Республики Малави сообщило, что за последние девять месяцев в республике от холеры скончались по меньшей мере 1000 человек. Министр здравоохранения Хабиб Сомандже добавил, что все могло быть еще хуже, так как заболели холерой почти 33000 человек.

ДВА ЦИКЛОНА

В пятницу утром к Приморью подошли два циклона. Первый вышел из Монголии на северные районы Приморского края. Он принес сильные дожди в Кировском (17—30 мм) и Дальнереченском (18—24 мм) районах. Второй циклон, с Желтого моря, вышел на акваторию залива: сильные дожди он принес на юг края, Владивосток — 33 мм, Находка — 20 мм, во Владивостоке усилился юго-восточный ветер до 23 м/с. Во Владивостоке ожидаются сильные дожди с количеством осадков 50 мм за 12 часов. Как сообщили в пресс-службе администрации Владивостока, все службы жизнеобеспечения города приведены в состояние повышенной готовности.

ЗА СЧЕТ ТРУДОУСТРОЙСТВА

По словам особого посланника ООН по гуманитарным вопросам Кэтрин Бертини, жалобы палестинцев с Западного берега и из сектора Газа можно удовлетворить за счет лучшего трудоустройства. По ее словам, безработица среди палестинцев порой достигает 70% трудоспособного населения. При этом доходы населения стремительно падают. Улучшению ситуации не способствует присутствие израильтян на палестинских территориях и отсутствие доступа палестинцев к необходимым общественным учреждениям.

(По страницам Интернета).

ХАЛҚАРО НУФУЗДАГИ МУЗЕЙ

Термиз Археология музейи Париждаги Халқаро музейлар кенгашига аъзо этиб қабул қилинди.

Муҳташам музейда Сурхон заминидан топилган ва мозийнинг тадқиқ этилмаган саҳифаларидан ҳикоя қилувчи ноёб экспонатлар ўрин олган. Музей залларини томоша қилган ҳар бир киши инсоният бешикларидан бири бўлган бу заминда яшаган аждодларимиз, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, меҳнат ва уруш қуроллари, эътиқоди, моддий ва маънавий мероси тўғрисида батафсил маълумот олади.

Илмий тадқиқотлар учун бой манба бўлган музейда археология ва нумизматикага оид 15 мингдан зиёд ноёб экспонат мавжуд. Музей қошида илмий кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Унда юзга яқин нодир қўлёзма ва адабиётлар сақланмоқда. Араб, форс, пушту, туркий тилларда битилган, ҳали кенг жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган бу асарлар ўз ўқувчилари ва тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ч. ТУХТАЕВ, ЎзА мухбири.



— Севимли газетамиз «Ватанпарвар» орқали онаюрт ҳимоячиларининг истиқлол тўйини қанақанги жанговар ютуқлар билан қаршилаётганини ўқиб бораяпмиз. Берилаётган мақолалардан яна бир бор Мустақиллигимиз улуғ неъмат эканлигини, у берган имкониятлар чексиз эканлигини англаяпмиз, — дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Т. Султонов.

Суратда: **кичик сержант Т. Султонов ва оддий аскар Ш. Сулаймоновлар газетанинг навбатдаги сонини ўқишаяпти.**

К. ТУРАЕВ суратга олган.

ЯНА БИР ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

Мамлакатимиз Мустақиллигининг муборак 11 йиллик тўйи арафасида юртимизда кўплаб қурилиш объектлари, маданий ва маиший муассасалар, саноат корхоналари қурилиб фойдаланишга топшириляпти. Жумладан, пойтахтимиздаги «Алюминий ресурс» заводида қимматбаҳо металл — латун ва бронзани қайта ишлайдиган замонавий мажмуи ишга туширилди.

Мажмуа тўла автоматлаштирилгани туфайли иш жараёни компьютерлар ёрдамида бошқарилади. Бу жаҳон стандарти талаблари даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Айтиш лозимки, иккиламчи хомашёдан ноёб металларни ажратиб олиш шу пайтга қадар, асосан, қўлда бажарилар, бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатига салбий таъсир кўрсатар эди. Эндиликда мазкур технология ёрдамида йилига икки минг тоннагача шундай маҳсулот тайёрланади. Унинг аксарият қисми экспортга чиқарилади.

(ЎзА).

«УМИД» ОПЕРАЦИЯСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама кенгайиб бормоқда. Айниқса, шу йилнинг мартида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг АҚШга буюрган расмий ташрифи ушбу ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Сафар чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация имзоланди.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжат нафақат хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, балки сиёсий, иқтисодий, маданий, гуманитар, ижтимоий, жумладан, тиббиёт соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутади. Айни пайтда АҚШ ҳукумати ва ушбу мамлакатнинг талай нодавлат ташкилотлари томонидан мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сифатли доридармон ва замонавий тиббиёт ускуналари келтирилмоқда. АҚШнинг Европа ва Евроосиё мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича дастурлари мувофиқлаштирувчиси маҳкамаси ҳомийлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган «Умид» операцияси ҳам бундай алоқалар тобора кенгаяётганидан далолатдир. Мазкур йирик лойиҳа доирасида 22 август куни АҚШдан инсонпарварлик ёрдами олиб келган самолёт Тошкент аэропортига қўнди.

«Умид» операцияси бошланиши муносабати билан Тошкент аэропортида маҳаллий ва халқаро журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, АҚШнинг Европа ва Евроосиё мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича дастурлари мувофиқлаштирувчиси Уильям Тэйлор ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

— АҚШ ҳукумати билан мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора ривож топиб бормоқда,— деди Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов.— «Умид» операцияси ҳам ана шу ҳамкорлик доирасида амалга оширилмоқда. Бундай ёрдам, қарийб барча, жумладан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ва ишончли ҳамкорлик нечоғли юксалаётганини кўрсатади.

— Бу ёрдам юртингизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқингиз ҳаётини фаровонлаштириш йўлидаги ишларга АҚШ ҳукумати ва халқи бефарқ эмаслигидан далолатдир,— деди Уильям Тэйлор.— «Умид» операцияси ўзаро алоқаларимизни бундан кейин ҳам ривожлантириш истагимизнинг бир далилидир.

У. Тэйлор мазкур лойиҳани амалга оширишда яқиндан ёрдам бергани ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон ҳукуматига алоҳида миннатдорлик билдирди.

«Умид» операцияси АҚШнинг Ўзбекистон мустақиллиққа эришганидан буён тиббиёт соҳасида амалга ошираётган энг йирик лойиҳаларидан биридир. Унинг умумий қиймати 53 миллион АҚШ долларидан ошади. Лойиҳа икки қисмдан иборат бўлиб, юкнинг биринчи қисми Германия омборхоналаридан автомобиллар орқали келтирилди. 16 миллион долларлик тиббиёт ускуналаридан иборат юк Фарғона водийсидаги шифохоналар ўртасида тақсимланади. АҚШ Қуролли кучларининг Европа қўмондонлиги экспертлари мазкур юкни қабул қилиш, тақсимлаш, тиббий ускуналарни ўрнатишда зарур техникавий ёрдам кўрсатади. Шифокорларнинг малакасини ошириш учун махсус тренинглар ўтказади. Ушбу босқични 15 октябрда ниҳоялаш кўзда тутилган.

Энди лойиҳанинг иккинчи босқичи бошланди. Шу кеча кундузда ҳаво йўли орқали келтирилган 35,5 миллион долларлик юк тиббиёт жиҳозлари ва дори-дармондан иборат.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Самин Асадов матбуот анжуманида мазкур дори-дармонлар яқин кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги шифохоналарга етказилишини маълум қилди. Анжуманда АҚШнинг ушбу бегараз ёрдами мамлакатимиз соғлиқни-сақлаш соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

С. РАҲИМОВ, ЎзА мухбири.

● НА ВОЕННЫХ КАФЕДРАХ

Сборы прошли успешно

...Утро в поселке было прохладным. Казалось, все замерло. Оставались недолгие минуты свежести в преддверии душного жаркого дня. Редкие машины проносились мимо по дороге, идущей с востока на запад. Вдруг эта безмятежность была нарушена.

Из-за поворота показались подразделения курсантов, совершающих утреннюю пробежку. Еще несколько дней назад они были беззаботными студентами, сдавшими сессию. А сегодня они — курсанты, живущие по жесткому распорядку дня.

Недавно на базе воинской части связистов проводились учебные сборы курсантов военной кафедры Ташкентского университета информационных технологий (ТУИТ). Ребята целый год изучали теорию военного дела, техники связи. И вот пришло время закрепить полученные знания на практике. Специально для этих целей был развернут полевой узел связи, в который входила аппаратура, ныне используемая в Вооруженных Силах республики.

Курсанты имели возможность применить полученные навыки в реальных полевых условиях. Помимо этого, проводились занятия по общевойсковым дисциплинам. На них особо отличились студенты Ш. Бобоев, С. Абдуразаков, А. Фукс, О. Уриков, И. Соатов, А. Камбаров, В. Ни и другие.

В целях более качественного обучения курсантов умелому обращению со стрелковым оружием был организован выезд на учебный полигон, где ребята выполняли упражнения учебных стрельб, в полную силу ощутив огромную ответственность человека, держащего в руках автомат.

Особенным событием в жизни каждого военнослужащего является принятие Военной присяги. Нельзя переоценить значение присяги в жизни солдата. Это клятва, даваемая однажды и навсегда, клятва на верность народу и Президенту. Гражданин Узбекистана заявляет, что он в любую минуту готов встать на защиту государственных интересов и независимости Родины. Потому проведению ритуала принятия Военной присяги на высоком уровне было уделено пристальное внимание. И конечно, же, ребята не подвели. Под взглядом родных, командиров, сокурсников, с трудом скрывая волнение, курсанты зачитывали строки клятвы, которую не нарушат! В своем поздравлении представитель Министерства обороны полковник О. Номозов пожелал будущим офицерам-связистам запаса успешной сдачи экзамена по итогам сборов. В рамках торжества здесь также были проведены показательные выступления по строевой подготовке и рукопашному бою.

На следующий день курсанты вновь окунулись в атмосферу военного распорядка дня. Дни на сборах летели незаметно — подошла и пора сдачи выпускного экзамена. Все предшествовавшее время было использовано ребятами для приобретения новых и закрепления уже имеющихся знаний. И в этом им помогли опытные командиры и наставники: начальник военных сборов подполковник С. Низов, начальник учебной части сборов подполковник А. Абдигапиров, командиры взводов капитан Ш. Рахимов и капитан Р. Шодирбеков, преподаватели подполковник С. Юсубалиев, капитан Б. Бердиев и другие.

Подполковник А. МУМИНОВ, старший преподаватель военной кафедры ТУИТ.

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТОШҚИНЛАР САБАБИ НИМАДА?

Европадаги сув тошқинлари бугун кўпчилигининг диққат марказида бўлса ажаб эмас. Айниқса, Чехия, Словакия, Германия, Италиядаги аҳволни оммавий ахборот воситалари орқали билиб турибмиз. Тошқин, довул, дўл, қурғоқчилик, ҳулласи, ҳар хил табиий офатлар тобора ошаётган экан. Ҳўш, она сайёрамизга ўзи нима бўлди? Келинг, бу саволга жавобни БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг бир гапи билан ифодалашдан бошлайлик: «Биз ҳаётимизни белгиловчи нозик ва мураккаб ришталар билан боғланган экологик, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий муносабатлар уйғунлигидаги сайёрада яшаяпмиз». Бундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, барқарор тараққиёт изидан борсак, Экологик номутаносибликлар хусусида неча йиллардан бери бонг урриб келинмоқда. Мана, бугун у келтириб чиқараётган оқибатлар «меваси»ни татимоқдамиз. Бу мулоҳазаларимизни «Экосан» халқаро жамғармасида бўлиб ўтган давра суҳбатида янада бойитдим. «Ҳозирги замон глобал муаммолари: иқлим, сув ва атроф-муҳит» дея номланган мавзудаги бу тадбир кейинги ҳафтада, аниқроғи, 26 августдан 4 сентябргача Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида бўлиб ўтадиган барқарор тараққиёт бўйича умумжаҳон саммитига бағишланди. Мазкур йирик халқаро анжуманда мамлакатимиздан ҳам вакиллар иштирок этишади. «Экосан», Гидрометеорология бош бошқармаси, «Экосан» Тошкент клуби ташкил этган давра суҳбатида етук эколог, иқлимшунос, метеоролог олимлар муаммолар ва уларнинг ечими хусусида ўз мулоҳазаларини айтишди. Таъдбирни халқаро «Экосан» жамғармаси президенти Юсуфжон Шодиметов олиб борди.

Шу ўринда Йоханнесбург саммити хусусида бир оз маълумот бериб ўтсак, Йоханнесбург яқинидаги Сандтон конференция марказида бўлиши кузатилаётган олий даражадаги учрашувда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ноҳукумат ташкилотлари вакиллари, ишбилармонлар қатнашиши мумкин. Гарчи тараққиёт мезонининг ҳар минтақа, ҳудудда ўз ўлчови бўлса-да, саммитда барқарор тараққиёт учун уч тамойилга эътибор қаратилиши кутилмоқда: иқтисодий ўсиш ва адолатни таъминлаш, табиий ресурслар ва атроф-муҳитни асраш, ижтимоий тараққиёт.

Энди фикримизни давом эттирган ҳолда, кейинги найтда инсониятни таҳликага солаётган табиий офатлар сабабларини изласак. Маълумотларга кўра, кейинги 10 йил ичида ҳарорат 0,4 градусга кўтарилган. Натижада Арктика ва Антарктикада қор қатламлари бир оз камайди, музликлар эриб бошлади. Бу эса дунё океанлари ҳажмининг 10 дан 15 сантиметргача кўтарилишига сабаб бўлди. Табиийки, бу номутаносиблик тошқин, довул, қурғоқчилик, саҳроланиш каби офатларни келтириб чиқарди.

Иқлим ўзгаришлари муаммосига атмосферага ҳаддан зиёд кўп миқдорда карбонат ангидрид гази чиқарилаётгани ҳам сабабдир. Гарчи 1992 йилда Рио-де-Жанейрода, 1997 йилда Киотода атмосферага чиқаётган заҳарли газларни қисқартириш борасида муҳим халқаро ҳужжатлар имзоланган бўлса-да, аҳвол мақтанарли даражада эмас. Негаки, халқаро ҳамжамият ҳали бир қарорга кела олмаяпти. Дейлик, Киото протоколини 84 давлат имзолагани билан, 47 тасигина ратификация қилган. Дунё экспертларининг тахмин қилишларича, шу кетишда атмосферадаги карбонат ангидрид 30—150 фоизгача етиши мумкин. Агар ана шу таҳликали ҳол юз берса, глобал ҳарорат 3 даражагача ошиши мумкин. Бу ҳаддан зиёд кўп бугланиш ва ёғингарчилик, деганг. Бироқ мазкур жараён ҳамма жойда бир маромда кетмайди. Қаердадир қурғоқчилик, қаердадир тошқин бўлади. Бундан ташқари дунё океанлари ҳажми 60 сантиметрга кўтарилади. Глобал исиш оксанларда «Эл-ниньо» дея номланувчи ҳолатни содир этадики, бу вайронагарчиликка олиб келувчи даҳшатли довул, дўллар деганидир. Айнан Ўзбекистонда заҳарли газлар ҳисобига 2030 йилга бориб, ҳарорат 1—3 даражага кўтарилиши мумкин экан.

Ҳўш, олдимизда бундай муаммо турган экан, бу борада соҳа мутахассислари қандай ишларни амалга оширмоқда, деган савол туғилади. Маълумки, Ўзбекистонда илк метеорологик кузатиш юз йил муқаддам бошланган. Ҳозирда мамлакатда 87 метеорологик станция, 94 пост, 120 гидрологик станция, кузатувнинг глобал тизимига кирувчи 18 станция, иқлимни кузатиш глобал тизимига кирувчи 3 та станция фаолият олиб бормоқда. Республикамизда иқлимий тизим, гидрологик ва экологик муаммоларни ўрганиш билан боғлиқ йирик илмий-тадқиқот гуруҳи бор. Минтақамизга даҳлдор муаммолар қаторига тўпланган қор ва музликларнинг камайишини ҳам қўшиш мумкин. Буларни сизни хавотирга солиш учун келтирмаяпмиз. Минтақамиз ва ҳудудимизга тегишли шу сингари муаммоларни умумжаҳон саммитига бораётган вакилларимиз дунё ҳамжамияти олдига қўймоқчи. Ахир, кенгашганга кенг дунё, дейишади-ку. Балким ана шундай экологик муаммолар, хусусан, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар дунёнинг барча мамлакатлари вакиллари бир жойга жамланганда ижобий ҳал бўлар.

Капитан А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН «КЕЙС»ЛАРИ — ЭКСПОРТГА

Тошкентда «ЎзКейсмаш» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин ҳозиргача бу ерда горизонтал шпинделли 800 дан ортиқ пахта териш машинаси тайёрланди.

Қўшма корхона ишлаб чиқараётган агрегатлар жаҳон талабларига тўла жавоб беради. Шу боис корхона машиналарига хорижда ҳам талаб тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 11 йиллик тўйи арафасида корхона жамоаси яна бир ютуқни қўлга киритди — Ўзбекистон «Кейс»ларининг дастлабки туркуми хорижга экспорт қилинди.

О. НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

ҚАҲРАМОНЛИК ҚАСИДАСИ

ЛЕЙТЕНАНТ САЙЁР САЪДИНОВ ХОТИРАСИГА

Болам деб, йиғлади
ота-онаси,
Болам деб, йиғлади
эл-парвонаси!
Унинг мотамида йиғлар
тоғу тош,
Йиғлар мотамида дўсту
қариндош!
Йиғлар Зоир бобо,
Рисолат момо,
Қон йиғлар онаси
Розия аммо,
Йигирма тўрт ёшли
фарзандин ўйлаб,
Ахир қўймоқчийди
яқинда уйлаб!
Йўқ, уйлаб қўёлмай
тупроққа қўйди,
Ўн саккиз йил ўзи
шундоқ ҳам куйди...
Олти ёшда эди ул
маҳал Сайёр,
Отаси Саидни фалак
кажрафтор,
Автоҳалокат-ла ютган
эди хок,
Онаси бўлганди илк
бор жигарчок!
Энди шифо топгач
жароҳат доғи,
Яна ўчди унинг севинч
чироғи...
Емай едирди ул,
киймай кийдирди,
Фарзанддан йўқотган
бахтин қидирди!
Тўнғичи Бахтиёр ва
икки қизи,
Отасиз, онанинг бўлиб
азизи,
Унинг касбин танлаб,
бўлиб шифокор,
Онаси қалбини
этишди нурвор!
Кенжатойи Жамшид
муҳандис бўлиб,
Қайтди онасининг
бағрига тўлиб!
Валекин Сайёржон
кенжадан катта,
Ўзгачароқ чиқди
дўстлар, албатта!
Қалбида уйғониб
муқаддас туйғу,
Ҳарбий бўлмоқликни
айлади орзу!..
Қаҳрамонлар ўтган бу
юртда бисёр,
Уларнинг биридир
Саъдинов Сайёр!
Эл-юрт учун этди
жонини фидо,
Мангу номи яшар,
кетди бевидо!
Онаси орзуси дилида
қолди,
«Болам» — деган нидо
тилида қолди!
Ўтган йил Боткенда
тўкилганда қон,
Сайёр этган эди
кўксини қалқон,
Ихтиёрий борди
жангларга ўзи,
Бузилмади асло
Қасамёд сўзи!
Оддий сарбозликдан
токи дохунда,
Бўларман дерди у
орзули кунда!
Бошимизда турса
Юртбоши омон,
Биз учун етарли
такя—соябон!
Керак бўлса юрту
Юртбошимиз, деб,
Бергаймиз азизлар
шу бошимиз, деб!
Озод Ватан учун
наинки бир жон,
Дерди, минг жонимни
этурман қурбон!
Сурхон тоғларига
ўлату вабо
Каби террористлар
суқилганда, о!
Сайёр ихтиёрий
пешқадам, гуруҳ,
Ила йўлга тушди
ғолиб пуршукуҳ!
Собитона этмоқ
юртни ҳимоя,
Фақат қасос олиш
деган бир ғоя,
Тошкентдан учирди
уни Сурхонга,
Токи ғанимларни бўяса
қонга!
Йигирма тўрт ёшли
ғўзал қаҳрамон,
Онангнинг бахтига
бўлсайдинг омон,
Қодирий шу ёшда
Отабекни, бас,
Уйлатган, кўрдирган
орзую ҳавас!
Лек у ҳам кейинроқ
бўлгандир ҳалок,
Чоризм ўқидан бўлиб
жигарчок!
У сендек Ватаннинг
туйғуси ила,
Яшаб, абадийлик
уйқуси ила,
Шаҳид кетган лекин
барча иш сири,
Турғунлик даврида
устоз Қодирий,
Жангда шаҳид деган,
айтмаган ошкор,
Лекин сен билардинг,
азизим Сайёр,
Отабек шунчаки
ўлмаган эди,
Кумуш ҳам бекорга
сўлмаган эди!
Қисмат шундоқ экан,
сенга мисли туш,
Сенинг севгилингнинг
номи ҳам Кумуш,
Эдими ва ёки ғўзал
Фарангис,
Майли ким бўлмасин
сени севган қиз,
Ичидан қон йиғлар,
кўзларида ёш,
Ушбу ғамларингга
беролмай бардош,
Валекин волиданг
оқ сутимга оҳ,
Минг бора розиман,
минг шукри Аллоҳ,
Ўғлим беҳудамас,
сен ман деб ўлдинг,
Йўқ ,йўқ, мен деб
эмас, Ватан деб ўлдинг!
Она-Ватан учун сен
бўлдинг қурбон,
Минг бор онанг
сендан розию гирён,
Дея Жом қабрида
айлаганда жо,
Отангнинг ёнидан
маскан топдинг о!
Сўнг ушбу сўзларни
волидайи зор,
Қоғозга тушириб,
билсайдинг ,Сайёр,
Онанг Юртбошига
айлади равон,
Бахтимизга бўлсин
у киши омон,
Кўзига ёш олиб этди
эътироф,
Қўшилиб йиғлади бор
аҳли инсоф!
Сен ёлғиз онангга
эмасдинг ўғил,
Барча оналарга
фарзанд эдинг, бил!
Ўзбекистоннинг сен
эдинг фарзанди,
Юртнинг отасининг
эдинг дилбанди,
Тўйингни кўролмай
ғамга ботди эл,
Кўзёшлар қуйилиб
оқди мисли сел!
Мен ёлғонни нетай
келиб аламим,
Йиғладим, йиғлади
бирга қаламим!
Кўтаринки руҳда
ёзардим достон,
Ғамгин мисраларни
айламак эълон,
Афсуски, бор экан
қисматимда, оҳ,
Сени раҳматингга
олсин бас, Аллоҳ!
Орзу умидлардек
яшнасин шу юрт,
Янчилиб топталсин
ҳар газанда қурт!
Сендан фахрланар
ёш соғлом авлод,
Обод юртинг кўриб
руҳинг бўлгай шод!
Буюк Ватан қурсак
албатта, Сайёр,
Бир қошиқ қонинг-ла
сенинг ҳиссанг бор!

Олимжон БУРИЕВ.



Китоб — маънавий хазина. Аскар кутубхонасида ундан баҳраманд бўлаётганларнинг маънавий олами бойийди.
К. ТУРАЕВ суратга олган.

● АКС САДО

Китобсиз яшаш қийин

Биз оиламиз билан «Ватанпарвар» газетасини бир неча йиллардан бери ўқиб келамиз. Ўзимизни мазкур газетанинг содиқ обуначиларидан, деб биламиз. Турмуш ўртоғим ҳарбийда хизмат қилган. Ҳозир истеъфодаги капитан.

Айниқса, маънавият, тарих ҳақидаги мақолаларни қизиқиб ўқиймиз. Мана яқинда Б. Рўзиматовнинг «Китоб қандай мақсадда ўқилади?» сарлавҳали мақоласи билан танишиб хурсанд бўлдим. Негаки, мен китоб ошуфтасиман. Ҳаётимни китобсиз тасаввур қила олмайман. Энг оғир кунларимда ҳам китоб ўқиб, қайғуларимни, дардларимни эсдан чиқараман. Ёшлик чоғларимда чет эл ёзувчиларидан Мопассан, Эмил Золя кабиларнинг асарларини ихлос қўйиб ўқиганман. Айниқса, Алишер Навоий, Бобур асарларини мутолаа қилсам ўтмиш тарихини шу зотлар орқали тушунаман. Умар Хайём рубоийлари эса жону таним.

Китоб ўқишлик ҳақида бир шеър машқ қилганман. Хато-камчиликлари бўлса узр сўрайман:

Қўлларимга китоб
тушган чоғда
Дилимга ҳузур бера
қолади.
Дилим роҳати
китобдан асли
Қалб шодликларга
тўла қолади.
Ўтмишларни китоб
баён қилиб
Не-не замонлар ортда
қолади.
Турмушга ранг берар
ҳар битта сатр —
Ҳайрат-ҳаяжон орта
қолади.
Чин севги таърифи
ҳам китобдан,
Инсонни бахтга ундай
қолади.
Эсдан чиқмоғи мумкин
оддий сўз,
Лек, китоб сўзи нурдай
қолади.

Китоб ўқиб, китоб қаҳрамонлари билан бирга яшайман. Улар билан бирга шодланаман, йиғлайман, дард чекаман. Ўзим 25 йил мобайнида кутубхонада ишладим. Ҳам ўқитувчилик қилдим. Кўп ёшларни китоб ўқишга қизиқтира олдим. Ўқувчиларга китоб берганимда аввало асар мазмунини тушунтирардим. Ҳозирги ёшларга маслаҳатим: китобдан йироқлашманг! Китоб — маънавият сарчашмаси.

Ғайниҳамол АБДУЛЛА қизи,
Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани.

● ФУТБОЛ. ТОВАРИЩЕСКИЙ МАТЧ

Неудачи закаляют

Азербайджан — Узбекистан — 2:0.

Равно тому, как Старый Свет готовится к проведению очередного чемпионата, так и представители Азиатского континента стремятся набрать оптимальную форму, чтобы во всеоружии подойти к своему футбольному форуму — Азиаде-2002. В рамках этой подготовки и провела сборная Узбекистана свой очередной товарищеский матч. На сей раз ее соперником была национальная команда Азербайджана. В отличие от своего визави наставник нашей сборной — Равшан Хайдаров выставил на этот поединок скорее всего экспериментальный состав, стремясь посмотреть как можно больше футболистов. В связи с этим ряды главной команды страны пополнились новичками. Впервые были привлечены Усманов, Мирхолдиршаев, представляющие наманганский «Навбахор». Из легионеров тренер пригласил пока лишь Зейтуллаева из «Ювентуса» (Италия) и Лущана из «Ростсельмаша» (Россия). А вот хозяева поля выставили свой боевой состав. Их понять можно. Уже седьмого сентября в отборочном турнире чемпионата Европы они померяются силами с футболистами «Скуадра Адзурры». Сила итальянской сборной хорошо известна, а потому азербайджанцы и решили на все сто проверить свою готовность.

По утверждению очевидцев, матч между азербайджанской и узбекистанской сборными, который проходил в Баку на стадионе, вмещающем пятнадцать тысяч зрителей, смотрелся довольно интересно. Нельзя сказать, что хозяева целиком и полностью владели инициативой, но по отдельным компонентам они все же переигрывали наших футболистов, которым явно не хватало сыгранности. Именно это обстоятельство и привело к тому, что в каждом тайме сборная Узбекистана пропустила по голу, правда, второй со стандартного положения.

Поражение всегда неприятно, но, в тоже время, неудачи, как известно, закаляют. А потому не стоит делать далеко идущих выводов. Резервы у нашей сборной несомненно есть и, думается, мы в этом убедимся уже в ближайшее время, а именно: в начале сентября у нас будут гостить японские футболисты (правда, какая сборная приедет, еще неизвестно), с которыми и состоится очередная контрольная встреча.

Я. КОРУКА.

● ШАХМАТ

ЗАФАРЛИ ЮРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилаётган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон шахмат олимпиадасида ҳамюртларимизнинг зафарли юриши давом этмоқда.

Мусобақанинг биринчи турида Сингапур терма жамоасини 4:0 ҳисобида доғда қолдирган ўзбекистонликлар иккинчи учрашувни турнирнинг ўтган йилги ғолиби Украина шахматчиларига қарши ўтказди. Кескин ва муросасиз кечган бу баҳсда 2:2 ҳисобида жанговар дуранг қайд этилди. Шахматчиларимиздан Антон Филипов ва Абдуаҳад Қўчқоров ўз рақибларини енгган бўлса, Тимур Гареев ҳамда Фурқат Имомов ўйинни бой берди.

Учинчи турда терма жамоамиз аъзолари вьетнамлик тенгдошларига қарши дона суриб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ўзбекистон терма жамоаси уч тур якунларига кўра мусобақада етакчилик қилмоқда. Спортчиларимиздан А. Филипов, А. Қўчқоров ва Х. Турдиалиев ўтказилган учрашувларда ҳали бирор марта ҳам енгилгани йўқ.

З. ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА.

ХАНДАЛАР

Икки гиёҳванд учрашиб қолди:

— Эшитдингми? Коля тиббиёт институтига кирибди.

— Ў-ў, у ерда нимани ўрганаркан?

— У эмас... Унинг ўзини ўрганишаркан.

***

— Ўғлим, деразани ёпиб қўй, кўча жуда совуқ.

— Нима, деразани ёпсам кўча исиб қоладими?

***

Ўғил отасидан сўради:

— Дадажон, ернинг думалоқ эканлигини одамлар қаердан билишган?

— Нима, ўғлим, сен глобусни кўрмаганмисан?

***

— Ойижон, одамлар ердан туғилишадими?

— Нега ундай деяпсан, ўғлим?

— Кеча бир амаки дадамдан «бундай хотинни қайси ердан қазиб олгансан ўзи» деб сўради-ку!

***

— Тулки — жуда айёр ҳайвон-да,— деди овдан қайтиб келган эр хотинига.

— Нима бўлди?— қизиқди хотини.

— Ишонасанми, мен бугун биттасини отгандим. Яқинроқ бориб қарасам, унинг ўрнида ит ётибди.

***

Овчилар ўз хотинлари ҳақида суҳбатлашишди.

— Менинг хотиним худди балиққа ўхшаган чиройли, қоматлари текис, майин,— деди бири.

— Меники эса худди тулкига ўхшайди: чаққон, айёр, ёлғон гапириб ҳам туради.

— Нима ҳам дердим,— деди учинчиси.— Меники эса кўринишидан одамга ўхшайди.

***

Қамоқхонада:

— Сени нима учун қамашди?

— Аксириб юборганим учун.

— Ие, бу қанақаси?

— Жуда оддий: мен аксириб юбордим, қоровул эса уйғониб кетди.

Русчадан
М. САИДИВАЛИЕВ
таржимаси.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 1. Рассомлик санъати соҳаси. 4. XVIII асрда яшаб ўтган ўзбек шоири, «Иброҳим Адҳам» достони муаллифи. 10. Бозордаги бир хил маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўконлар қатори. 11. Сайроқи қуш. 12. Буғ, газ ёки сув энергиясини механик энергияга айлантирувчи двигатель. 13. Кулолчилик иншоати. 16. Пахта териш машинаси қисми. 20. Ҳуқуқ масалалари бўйича маслаҳатчи мутахассис. 24. Тригонометрик функция. 25. Чопқир зотли от. 26. Масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ишонтириш. 27. Қимматбаҳо садаф, мунчоқ. 29. Улкан илон. 31. Ёқутистондаги дарё. 33. Аёллар исми. 35. Қора денгиз бўйидаги шаҳар. 37. Расм тури. 40. Литвадаги порт шаҳар. 42. Мусиқа асари ижроси санъатини аниқ белгилашга имкон берувчи асбоб. 47. Таълим ва тарбия берувчи. 49. Тун капалаги. 50. Универсал кўчма электр ўлчов асбоби. 51. Инерт газ. 55. Шифобахш чўл гиёҳи. 58. Тафаккур қонунлари илми. 61. Оқ рангли нодир металл. 62. Подада боқиладиган от. 63. Миллий таом. 64. Абхазиядаги шифобахш дам олиш маскани. 65. Ўқотар қурол тури.

БЎЙИГА: 2. Кўчат тупини сийраклаштириб экиш. 3. Баъзи тури қимматбаҳо тош, маъдан. 5. Африка шарқидаги давлат. 6. Савдо маскани. 7. Тошкентдаги спорт буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси. 8. Мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири, буюк ватандошимиз. 9. Вагон бўлмаси. 13. Аҳолиси энг кўп мамлакат. 14. Алп тоғларидаги чўққи. 15. Одра дарёсининг немисча номи. 17. Сўздаги товушлардан бирининг кучлироқ ифодаси. 18. Спортчилар гуруҳи. 19. Миқдорни ифодаловчи ёзув. 20. Ҳарбий хизматчи. 21. Аҳолида турувчи, содиқ. 22. Канада ғарбидаги шаҳар. 23. Чехия автомобили русуми 28. Металлургия ва қотишмалар ишлаб чиқариш ашёси, қаттиқ, кулранг металл. 30. Заминдаги биринчи инсон. 32. Эркакларнинг энг паст, йўғон овози. 34. Волида. 36. Ҳашорат. 37. Сатирик, бадиий публицистик асар. 38. Кўтара савдо муомаласи. 39. Маълум дастурга оид мусиқа санъати ижроси. 41. Илдизи қандолатчиликда ишлатиладиган ўсимлик. 43. Маъмурий ҳудудий бўлинма. 44. Италия таркибидаги орол. 45. Катта варрак. 46. Тикув машинаси ғалтаги. 48. Нарсанинг ҳар бир бўлаги. 52. Энг юқори натижа. 53. Девория сурат, нақш. 54. Ўзбек қўшиқчи шоири, журналист. 56. Баъзи давлатларда олий давлат ҳокимияти органи. 57. Автомобиллар пойгаси. 59. Қадимий вазн ўлчови бирлиги. 60. Пилла қурти ҳосили, тола.

Фозилжон ОРИПОВ.

ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

Изучаем общевоинские Уставы

Уважаемые военнослужащие! Дорогие читатели!

Организованный редакцией газеты «Ватанпарвар» конкурс «Изучаем Общевоинские уставы» даст вам прекрасную возможность не только проверить свои знания и развить творческий потенциал, но и стать обладателем специальных призов (магнитофон, радиоприемник, часы и др.), поощрительных премий. Воспользуйтесь этим шансом и станьте победителем! Конкурс завершится в преддверии Дня защитников Родины.

Набранные баллы будут подсчитываться ежемесячно и ежеквартально. Вырежьте очередной тест, подчеркните правильные варианты ответов. Напротив каждого ответа обязательно укажите название использованного Устава и номер статьи из него. Укажите ваши воинское звание, фамилию, имя, адрес и отправьте в редакцию. Не забудьте на конверте поставить пометку «На конкурс!».

Приглашаем к активному участию в конкурсе. Удачи вам!

ВОПРОСЫ ТЕСТА № 30

1. Кому обязан доложить военнослужащий о возвращении из увольнения?

А. Обязан доложить дежурному по взводу о прибытии и сдать увольнительную записку старшине взвода.
В. Обязан доложить старшине взвода о прибытии и сдать увольнительную записку дежурному по взводу.
С. Обязан прибыть к дежурному по бригаде и доложить о прибытии.

2. Разрешение на освобождение от выполнения служебных обязанностей по болезни военнослужащим дает:

А. Врач части.
В. Командир части или подразделения в соответствии с заключением врача.
С. Старшина взвода.

3. Каков порядок допуска в парк личного состава?

А. В одиночном порядке только в случае служебной необходимости.
В. В строю под командой офицеров или сержантов.
С. В строю под командой старшего по званию.

4. В какой срок заносятся поощрения и дисциплинарные взыскания в служебную карточку военнослужащего?

А. В десятидневный срок.
В. В семидневный срок.
С. В течение месяца.

5. Если командир, получивший предложение (заявление, жалобу), не обладает достаточными правами для выполнения предложения или удовлетворения просьбы подавшего заявление, то он направляет его по команде в установленном порядке:

А. В двухнедельный срок.
В. В пятидневный срок.
С. В течение месяца.

6. Кто определяет срок ареста?

А. Комендант гарнизона или командир арестованного.
В. Начальник гауптвахты.
С. Непосредственный начальник.

7. Когда вручает начальник штабов воинских частей командирам подразделений, от которых назначаются караулы, схемы расположения постов, табели постам и инструкции начальникам караулов для изучения личным составом караулов?

А. За трое суток до заступления.
В. За двое суток до заступления.
С. Накануне заступления.

8. Каков порядок допуска в караульное помещение офицеров своей части?

А. По разовым удостоверениям на право проверки караула без сопровождения дежурного по части или его помощника.
В. По разовым удостоверениям на право проверки караула и удостоверениям личности.
С. По разрешению начальника парка.

9. Кто осуществляет контроль за сдачей оружия и боеприпасов караульными по их прибытии в подразделение?

А. Начальник караула или старшина роты.
В. Начальник караула и дежурный по части.
С. Под личным наблюдением начальника караула.

10. Военнослужащий, движущийся последним в колонне, называется:

А. Тыльная сторона строя.
В. Направляющий.
С. Замыкающий.

ВАШИ ДАННЫЕ:

1. Воинское звание, фамилия, имя, отчество _____

2. Адрес: _____

3. Предложения: _____

Вопросы теста подготовил подполковник Н. ГУЛБАЕВ.

Шарқ мунажжимлари башорати

ТОҒ ЭЧКИСИга бу ҳафтада енгил бўлмайди. Сиз бир канча кечиктириб бўлмайдиган ишларни ҳал қилишингиз лозим бўлади, шу сабабли дам олиш ва ўйин-кулгига вақтингиз қолмайди. Агар юлдузлар башоратига қулоқ тутмай, вақтичоглик қилсангиз, жиддий муаммоларга дуч келасиз— ёки ишдан бўшатишлари, ёки молиявий инқирозга учрашингиз мумкин.

ҚОВҒАлар «ичиш» сўзини унутишлари лозим. Акс ҳолда соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Шунинг учун ўзингизга кўпроқ эътибор қаратинг — спиртли ичимликларни суиистеъмол қилманг, овқатни меъёридан ошиқ еманг, кўпроқ тоза ҳавода бўлинг, камроқ ишланг. Умуман бир неча кун дам олганингиз яхши.

БАЛИҚларга келаси ҳафта севги бобида омад келтиради. Уйланган эркаклар ва турмушга чиққан аёллар ўз орзуларидаги инсонларни учратишлари мумкин. Аммо ўз никоҳингизни бекор қилишга ва ажралишга шошилманг. Чунки бундай учрашувларнинг атиги 11 фоизигина бирон «жиддий» якунга олиб бориши мумкин. Шунинг учун эҳтиёт бўлганингиз маъқул.

ҚЎЙлар, айниқса ижодий иш билан шуғулланувчилар, бир оз тургунликка дуч келадилар. Сизда негадир янги фикрлар пайдо бўлмайди, лоқайдлик юзага келади. Шу сабабли, бир оз дам олишга ва ўйин-кулги қилишга ҳаракат қилинг — дўстлар билан бирга бўлинг. Аммо эҳтиёт бўлинг, — бу ҳафтада жароҳатлар олиш эҳтимоли бор.

БУЗОҚлар барча ишларда омадга эришишни мўлжаллашлари мумкин. Хизматда касб зинапоясидан юқорига кўтарилишингиз мумкин — демак, иш ҳақингиз ҳам ошади. Оилада эса ўзаро ҳамфикрликка эришасиз. Камроқ чекишга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАРга эски қадрдонлар ва дўстлар билан учрашувлар кўплаб ёқимли хотиралар бахш этади. Ҳафта бошида молиявий томондан бир оз қийинчиликлар бўлиши мумкин. Дўконларга камроқ боришига ҳаракат қилинг — кўзда тутилмаган харажатларга дуч келасиз.

ҚИСҚИЧБАҚАлар ўз устиларида кўпроқ ишлашлари зарур. Сизни қийнаб юборган хусусиятлар ва камчиликлар билан курашинг. Соғлиғингизга эътибор қаратинг — аҳволингиз ёмонлашиши эҳтимоли бор. Ўғрилардан эҳтиёт бўлинг.

АРСЛОНларга келаси ҳафта катта фойда олиб келади. Юлдузлар таъкидлашича, ҳозирги вақт муҳим битимлар ва шартномалар тузиш учун энг қулай даврдир. Сиз доимо «плюс»да, рақобатчилар эса, агар Арслон бўлмасалар, «минус»да бўладилар. Бу ҳолатда тўқнашувлар бўлиши мумкин. Пухта бўлишга ҳаракат қилинг.

ПАРИЗОДлар бу ҳафтада яна воқеалар марказида бўладилар ва атрофдагилар эътибори айнан сизга қаратилади. Сиз яна ўзингизнинг керакли эканлигингизни ҳис қиласиз, сизнинг профессионал ва ташкилотчилик қобилиятингиздан фойдаланилади ҳамда у барча ишларда юқори натижалар келтиради.

ТАРОЗУлар, ҳар доимгидек, барчанинг диққат марказида. Шундай бўлса-да, ўз ихлосмандларингизни менсимай қўйманг — улардан ажраб қолишингиз мумкин. Молиявий томондан ҳаммаси жойида бўлади, хизматда эса фаоллигингиз камаяди. Шу сабабли дам олиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим. Акс ҳолда касал бўлиб қолишингиз, бу эса раҳбарларни ҳам, яқинларни ҳам ранжитиб қўйиши мумкин.

ЧАЁНлар учун уфқда молиявий инқироз кўринмоқда. Аммо уни, дўстлар билан олдиндан келишилса, енгиб ўтиш мумкин. Улар сизга ёрдам берадилар. Ҳаёт мазмуни ҳақида ўйлаб кўриш вақти келди. Агар уни футбол кўриб вақт ўтказишда деб ўйласангиз, яқинларингиз сизни қўлламасликлари мумкин. Аёллар ҳам ўзлари ҳақида ўйлаб кўрсалар яхши бўлади.

ЎҚОТАРлар ҳафта давомида яхши кайфиятда бўладилар. Бунинг натижасида барча ўйлаганларингиз биринчи уринишданоқ амалга ошади. Агар сиз бир оз қўшимча куч сарфласангиз, исталган натижаларга эришишда ҳеч қандай тўсиқларга дуч келмайсиз. Касбий фаолиятингизда ҳам, шахсий ҳаётингизда ҳам омад сизга ёр бўлади.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга—56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0338.